

ҒАЛАБА БАЙРАМИ БИЛАН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИҒАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 89 (7830).

8 май, 1982 йил

ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

С О В Е Т Х А Л Қ И Н И Н Г
Б У Ю К Ж А С О Р А Т И

9 Майда совет халқи, СССР Қурулди кучлари жангчилари, бутун прогрессив инсоният Улуғ Батан урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 37 йиллигини нишонлайди. Бу ғалаба байрами совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кураётган вазиятда нишонланмоқда.

Улуғ Батан урушида эришилган буюк Ғалабада ленинча миллий сийosat таянмаси ёрқин намоён бўлди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Қомитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига «Улуғ Батан урушининг дахшатли йилларида қардош халқлар елкама-елка туриб Батан Ғалабасига қўшилганлар, оммавий қаҳрамонлик ва ғалабага бўлган буюк эҳтирослик намоёниши эди. Фашист босқинчиларини тор-мор қилди, жаҳон халқларини асоратдан ва қирилиб кетишдан омон

сақлаб қолди» деб таъкидланади.

1941—1945 йилларда Улуғ Батан уруши Совет давлати ва унинг Қурулди кучлари муқофасида қудратининг янги сипоиси бўлди. Фашистлар Германияси мамлакатимизга босқинчи кириш учун ўзининг асосий кучларининг пиласи қўшинларининг 80 процентдан кўпрогини, Ҳарбий-Ҳаво кучларининг 90 процентини, минглаб танк ва тўпаларини ташлади.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати социалистик Батанин химоя қилиш тўғрисидаги Ленин ғояларига амал қилиб, душманга қарши курашининг конкрет программасини ишлаб чиқди. Мамлакатнинг бутун кучи босқинчиларни тор-мор қилишга сафарбар этилди.

Совет учувчилари қонли жангларда юксак жасорат, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Улар урушнинг биринчи кунини душманнинг 200 дан кўпроқ самолётини ўриб туширишди. Фашистлар урушининг фақат дастлабки уч ҳафта-си мобайнида 100 минг ки-

Н. К. МАТИНЮК.

Авиация генерал-лейтенанти, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий-Ҳаво кучларининг қўмондони

шдан кўпроқ қўшинлар, мавжуд бўлган танкларининг яримиди, 1300 самолётини йиритди.

Москва оstonаларидаги жанглар Ғалаба йўлида таърих босқич бўлди. Бу ерда фашист армиясининг «енгилмаслиги», «урушнинг асосий тизилишида ўтказиш» режалари пучга чиқарилди. Москва оstonаларида эришилган ғалаба урушнинг боришини тубдан ўзгартирди. У совет кишиларида ва чет эллик дўстларимизда фашизм тор-мор қилиниши муқаррар эканлигига ишонч туғилди.

Олти ойдан кўпроқ давом этган Сталинград жангларида гитлерчилар қажнатқин зарбага дуч келди. Шаҳар атрофида ва Кавказ тоғлари етибатида фашист блок армиялари 1 миллион кишидан

кўпроқ қўшинларини йўқотди. Совет учувчилари 4400 та фашист самолётини ўриб туширишди.

Курск ёнида, Ленинград оstonаларида, Украинада, Қримда, Беларуссияда, Молдавияда, Болтиқбўйи ва Шимолида эришилган қатор йирик ғалабалар Батаниннинг фашист босқинчиларидан содa этиш, Совет кишилари кўпгина Европа мамлакатлари халқларини ҳам фашизм қўлигидан ҳалос этди.

Жангдан жангга совет авиациясининг кучи ва қудрати ортиб бориб. Агар 1941 йилда ҳар бир жанговар операцияда 200—500 самолёт қатнашган бўлса, 1943—1945 йилларда уларнинг сони бир неча мингга етди. Берлин операциясида эса 7500 та самолёт қатнашди. Фақат Берлин осмонда 1166 немис самолёти ўриб туширилди.

Улуғ Батан уруши йилларида совет жангчилари мислизи жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар. Фашист босқинчилар билан жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун 7 миллион солдат, сержант, офи-

— БИЗНИНГ ҒАЛАБАМИЗ ИНСОНИАТ ТАРИХИДАГИ ЮКСАК МАРРАДИР. ҒАЛАБА СОЦИАЛИСТИК БАТАНИМИЗНИНГ УЛУГВОРЛИгини кўрсатди, коммунистик ғояларнинг қудратини намоёниш қилди, фидокорлик ва қаҳрамонлиқнинг ажойиб намуналарини руҳебга чиқарди. ҲА, ЧИНДАН ҲАМ АНА ШУНДА. АММО ТИНЧЛИК БУЛАВЕРСИН. ЧУНКИ ТИНЧЛИК СОВЕТ КИШИЛАРИГА КЕРАК. ЕР ЮЗИДАГИ БАРЧА СОФ ВИЖДОНЛИ КИШИЛАРГА КЕРАК.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ТИНЧЛИК
БАРҚАРОР
БЎЛСИН

ТИНЧЛИК. Биргина бу сўз замиридаги бир олам маъно ва мазмун биз ветеранлар учун, айниқса, қадр-қимматлидир. Чунки биз уруш азoб ва изтиробларини ўз кўзимиз билан кўрганимиз. Шунинг учун ҳам жаҳонда тинчлигини мустаҳкамлаш учун кураш аяб олган бир пайтда АҚШ маъмуриятининг олиб бораётган илоҳ сийosати нозирлик туйғуларини уйғотмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз тинчлик посбони. Унинг ўтказиб берган сийosати ана шу эагу мақсад йўлига қаратилган. Социл ленинчи, тинчлик учун толас курашчи. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг президент Рейган билан олий даражадаги учрашув ҳақидаги таклифи ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Ғалаба кўни тўғида Батанимиз осмоннинг мусаффолиги учун курашган ва курашаётганларини чин қалбдан таърифлаб, баралла, тинчлик бўлсин барқарор, деймиз.

1920 йилдан КПСС аъзоси. Гражданин ва Улуғ Батан уруши ветерани.

(Давоми 2-бетда).



1941-1945

САККИЗТА ЙЎЛДОШ
ПАРВОЗДА

1982 йил 6 май кўни Совет Иттифоқида Ернинг йўлдошлари — «Космос-1357», «Космос-1358», «Космос-1359», «Космос-1360», «Космос-1361», «Космос-1362», «Космос-1363», «Космос-1364» учирди. Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси битта учирувчи ракета ёрдамида орбитага чиқариб қўйилди.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

МЕХР ТАФТИ

Дала, кенг сабзавот пайкалари, ипта тизилгандай беҳато уюб чиққан қарам жўнларидан шўхча сув бир текисда жилдираб оқаяпти. Этининг яримигача наминқан, юзлари қўш тафтидан қорайган, бутун вужудидан куч, гайрат ёғилиб турган бригада бошлиғи Эркин Мўминов ишчиларини сув ювиб, йиғилиб, ярни лой бўлиб қолган икки туп ниҳолнинг қаддини тикиди, атрофга тўпроқ босиб мустаҳкамлади.

Кўнлар исей бошлагани билан, ҳали сулар пилганича йўл, ўйларини бригадир, тоғдан жуда яқиндан оқиб келяпти-да. Баданини жунжиктиради. Дехонларимизга балли, сувни меҳр тафти билан илтишляпти. Улар касбига меҳр қўйган, эътиқодли одамлар.

Эътиқод бор қалба муҳаббат бўлади. Бригадир ҳурсанд ҳолда энди ҳосил ўрай бошлаган қарамзорларини орайла бошлади: бугунги майсалар ниҳолчалар, халқнинг эртани риқ-рўзи!

Пўлнинг чап томонида барқ уриб ўсаётган август пиласини дала ҳусинга ҳус қўшиб турибди, ундан сал нарида пилена остига энгилган эртани болринлар, тўғ бошлади. Ҳамма ерда кўзгич меҳнат.

Бу манзарани завқ билан кўзатаришганда, булар дехоннинг маҳорати меъасидеб қўнглидан ўтказдим. Менинг бў фикрнинг ўқиб

олган Эркин аканинг нигоҳида мамунийлик аломатлари жилваланди. Унинг кўзларидаги порлоқ нур ўз меҳнатидан қўнгли тўқлигига, бу муқаддас замиғга юзони тикканлигига ғувоҳлик бераётгандек туюларди. Одатда бундай кишилар бугунги ютуқ билан мағрурланмайдилар, келажакни кўзлаб ишлайдилар.

— Республикаимизга Ленин ордени топирилишига бағишланган таънанали йиғи-

ЛАВҲА

лишда қатнашганимдан бахтирман, — дейди Эркин Мўминов. — Бу йилгида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикамиз меҳнаткашлари эришяётган ютуқларга юксак баҳо берди. Бу баҳо кўпчилик қатори, бизнинг коллективимизни ҳам руҳлантириб юборди. Биз ўз имкониятларимизни қайтадан кўриб чиқиб, зиммамизга оширилган социалистик мажбурият олдик. Пилена остига энгилган 3 гектар ердаги қарамни 15 майга, оқиб ерга энгилган 4 гектар ердаги қарам ҳосилини 20 майгача йиғиштириб олиш ва ҳар гектардан 400 центнердан ҳосил кўта-

ришни мақсад қилиб қўйдик. 10 гектар ердаги пиланинг 5 гектарини кўк ҳолда (гектардан 300 центнердан) топираимиз.

Бригадир айтганидек, сабзавоткорларнинг шижовати баланд. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, механизатор Мансур Сапарбоев, ишчилардан Нигмат Илҳомов, Махмуд Муҳиддинов, Бахтиёр Нодиров, Аюптой Жанкеловлар фидокорона меҳнат қилишиб, кундалик нормаларини ортиги билан бажармоқдалар.

Ўз касбининг усталари бўлган азамат сабзавоткорлар СССРнинг 60 йиллиги нишонланган юбилей йилида чиндан ҳам улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар халқимиз дастурхонига камиди 160 тонна картошка, 810 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилганлар.

Юксак мажбурият амалий иш билан мустаҳкамланмоқда. Ҳамма далада. Улар баҳорнинг ҳар бир лаҳзасидан унмуд фойдаланиб, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Эътиқод ва муҳаббат инсонга толас қанот беради. Тошкент районидagi «Ленинград» совхозининг 2-бригада бошлиғи Эркин Мўминов сингари толас қанотли кишилар ҳаммаша юксак ўфиларини кўзлаб яшайдилар.

С. МАТЕҚУВОВ.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРЕДОР ФРОНТ

НАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛАДИ

ПАРКЕНТ районидagi «Коммуна» совхозига чорваларнинг салиқларини ўтказиш бўлиб, Чорва моллари бош соинини кўпайтириш, махсус эшитириш план-топириларининг муваффақиятли бажарилаётганлиги тўғрисида бу соҳа рентабелли бўлиб, қолди. Бунга аввало наслчиликни яхшилаш ва озуқа базасиди мустаҳкамлаш катта эътибор берилаётганлиги тўғрисида аришлямоқда.

Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг тўғич йилида фахрланса, аришлямоқ ютуқларга эришди. Давлатга 162 тонна, гўшт,

798 тонна сут, 356 минг дона тухум топириди, бу борада белгиланган план ва мажбуриятларини ортиги билан адо этишди. Бу муваффақиятларини кўлга киритишда хўжалигининг Абдузукр Алматов, Ахмар Ашуров, Абдуваҳоб Алматов, Санталат Мирбазоева сингари тажрибали чорвадорларининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. Моҳир чўпон Абдузукр Алматов ўз отаридаги 292 бош совалиқнинг ҳар юз бошидан пилданги 95 ўрнига 145 бошдан соғлом қўзи олиб, мусобақа галиби бўлди.

Чорвадорлар юбилей йилида янада юксак марралар



◆ БЕКОВОД районидagi «Ленинград» совхозини пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик шодли юбилейни нишонланганда йилда ҳар қачонгидан ҳам мўл ва сифатли «оқ олтин» ештириш учун кураш олиб боришляпти. Шу кўнларда хўжалик далаларида гўзаларча ишлов бериш, сўғирини ишлари анжиди. Совхоз заршусларининг барчаси 1982 йилда гектардан 35 центнердан пахта ҳосили ештириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: гўза қатор ораларини култивация қилиш пайти.

Т. Маҳмамов фотоси. (ЎТАП).

ЖИЛДИРАБ СУВ ОҚАДИ

БҒКА. (Телефон орқали олинди). Ер юзини бир текис уюб чиққан ниҳоллар беэаган, қўзни қувонтиради. Бу фидокорона меҳнатнинг илк самарасидир. Лекин бунга осонликча эришилмади. Тўғри, экин ишлари қўлай муҳитда оин-тобида ўтказилди. Бироқ, ана шундан кейин ҳавонинг ҳарорати бирданга кўтарилиб кетди. Бирдан нам қочди. Ана шунда қолжа дехонларини област пахтакорлар Советининг тавсиялари асосида зарур тадбирларни белгилаб чиқдилар. Сувчилар таянланди. Уларнинг соини кўпайтиришди. Ҳар бир картанинг тўпроқ шароитига қараб чипит суви бериш кўпайтирилди. Айниқса, сувчилардан Қўбон Саримқов, Ином Исоқов, Султон Аҳмедов, Абдуразақ Муродов ўртоклар ахши ишладилар. Улар сувдан теэаб фойдаланишга алоҳида эътибор бердилар. Эгитларда сув кечая-кундузи жилдираб оқиб турди. Натияжа-

да барча майдонларда чипит бир текис ундириб олинди. Култиваторлар соэлаб қўнлган эди. Механизаторлар қатор ораларига ишлов беришни ҳам бошлаб юбордилар. Гўза муррак. Шунинг учун ҳам механизаторлар дехонга сезгирлик ва маҳорат талаб этилади.

«Коммунизм» колхозининг тажрибали механизаторлари бу ишни ҳам муваффақиятли уюлаламоқдалар. Ҳозирга қадар биринчи ишлов тугалланди. Култивация билан бир йўла гўза озиклантирилди.

Колхознинг Ғулом Шодмонов, Абдуназар Абдулқабиров, Зонир Хатамов, Савдаҳад Саймонов ўртоклар бошлиқ бригадалари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бу бригадаларнинг коллективлари ҳар гектаридан қалбада 30 центнердан «оқ олтин» ештиришга аҳд қилганлар. Ҳозирга қалба даладарда олиб борилаётган барча агротех-

ника тадбирлари ана шу мақсадга қаратилган. Ҳар гектарда кам деганда 130—140 минг тупдан кўчат ўстирилмоқда, бу ниҳолларни серхосил қилиш, пахта пилиш этилагувча тўла сақлаб қолш учун кураш бораётир.

Хўжаликда маккажўхори ва бошқа ем-хашак экинларидан ҳам мўл ҳосил олиш тадбирлари қўрилмоқда. Урток А. Ғуломоев бошлиқ бригадада 30 гектар ерга дон учун экинлик маккажўхорининг ривожини яхши. Биринчи ишлов тугалланди. Ҳар гектарига 600 килограммдан аммофос солинди. Бу бригадада 100 центнерчи маккажўхорикорлар ташлабсунига қўнлиб, иш олиб боришлямоқда.

Бўё районидagi машъал «Коммунизм» колхозини дехонларини юбилей йилини дехончиликнинг ҳамма соҳасида юксак кўрсаткичлар билан аяқлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ЗАФАРИМИЗ ШУҲРАТИ СЎНМАС

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

(Боши 1-бетда).

Туркистон ҳарбий округида ташкил этилган генераллар И. Панфилов, И. Кузовков, С. Раҳимовларнинг дивизиялари фронтда алоҳида намуна кўрсатишди. Туркистонлик 6 ҳаво лойиҳаси — Н. Абдулов, С. Морозов, П. Налекин, С. Синчук, П. Терсез, М. Янко Николай Гастеллонинг исмига жасоратини тақдирладилар. Ойроғи-мишнинг 4 учувчиси — Т. Бегельдин, А. Учуев, С. Лутанский, И. Павлов ва янги марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.


Совет халқи мана, 37 йилдан бери тинчлик шароитида яшайпти. Бу КПСС дона ташқи сиёсати самарасидир. Партиямиз XXVI съездида жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланш пайсига чеки қўйиш, халқларо ҳавфсизликни таъминлаш соҳасида янги тақдирлар олға сурилди. 80-йиллар Тинчлик программаси номини олган бу совет ташаббуслари жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар томонидан қизилиб кутиб олиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Бирок, империалистик кучларнинг қуролланшга эътибори, урушларга тайёргарлик кўриши кучайтириб юборганлиги тинчликка жиддий ҳавф солмоқда. Бу вазиятда Совет Иттифоқи ўз мудофасини таъминлашда қуролли кучлари жанговар қудратини мустаҳкамлашга мажбур бўлади. Ватанимиз ҳеч кимга таҳдид сол-

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР ҚЎШИҒИ

Йилларга тенг дақиқалар, асрга тенг йиллар, эзгуликка бахшида умрлар бўлишини биласизми? Ўзгалар бахти учун курашувчан кишилар буни ҳаммага ҳис этишади.

Биринчи Украина фронтининг жангчилари Тўрайов Алимов номини ҳурмат билан тилга олишарди. У Воронеж шаҳри учун бўлаётган жангларнинг биринчи каттиқ яраланди. Иродаси бўлмади, балки қазаби газизлашди, нисбатан ўн чапдан ошди. Киев шаҳридаги госпиталда даволаниб чиққач, 1943 йилда пой-



Галаба Байроғи Берлин узра хилпирамоқда. Е. Халдай фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЛЕНИН ОРДЕНИ НИШОНДОРЛАРИ

Мақтабимиз жанговар шон-шухрати музейида бир неча йилдирки, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимиз олий мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлганлар ҳақида материаллар тўпаланди. Улар орасида тошкентлик шифокор Иброҳим Соатов ҳақида ҳам ҳужжатлар бор.

Медицина хизмати гвардия лейтенанти И. Соатов 179-гвардиячи ўқчи полкининг санитар паводига командирлик қилган.

Полк турли жойларда ва турли йўналишларда жанг қилди. 1943 йилнинг 2 сентябрыда Донецк облатининг Краматорск шаҳри учун қаттиқ жанглар давом этмоқда эди. У ҳафтаки, жангчиларимиз душман қарши ҳужумини қайтариб турдилар. Шу кун-

ЁШЛАР РАПОРТ БЕРАДИЛАР

Пойтахтдаги «Текстиль-шик» стадиони кеча олдатиладиган гавжум бўлди. Бу ерда ҳарбий-спорт байрами эър-шопқонлик билан ўтказилди.

Стадионда «Орленок» ва «Зарница» ҳарбийлаштирилган спорт ўйинлари қатнашчилари саф тортидилар. Анганавий парадни мотоциклчилар бошлаб беришди. Улар майдондан СССР ва Иттифоқдош республикалар Давлат байроқларини олиб ўтидилар. Шундан сўнг майдондан ўтган барабанчи қизларнинг қадамлари шаҳар, марш оҳангларига ҳамроҳ эди.

Галаба кўнига бағишланган бу тадбирда Фрунзе районидagi мактаблар, ҳунар-техника билан юрғлар ва техникумлари ўқувчилари партия ва халқ ишига ҳамини шай ва содиқ аёнликларни тўғрисида рапорт бердилар. Байрамга ёш авиамодельчиларнинг кўргазмали чиқишлари, кўшнлар кўриги, ҳарбийлаштирилган спорт мусобақалари янада файз кiritди.



Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимиз осмонини фашист кузгуларидан тозалашда зенитчи-артиллериячиларнинг хизматлари катта бўлди. 1941 йил июлидан 1942 йил январигача улар Москва осмонининг ўзидан мингдан ортиқ душман самолётларини уриб тўшқирдилар. Суратда: Москва ҳимоячиларидан бир гуруҳи жанговар постда. Н. Грановский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

РАЗВЕДКАЧИ ЭРГАШЕВ

1943 йил 1 сентябрь, 141-дивизия ярим тунда Сейм дарёсидан кечиб ўтиб, Рильск шаҳрини эгаллаб турган гитлерчилар армияси мудофасига қўқисдан ҳужум бошлади. Бу гал ҳам разведканинг душман ҳақида берган аниқ маълумотлари жуда қўл келди. Қўшинларимиз эрта тонгда Рильск шаҳрини душмандан озод этдилар.

Разведкачиларга душманининг чекинишни кузатиб бориш топширилганди. Чунки, шу вақтда душман кучлари устма-уст зарбага учраб, катта талафот билан тартибсиз орқага чекина бошлаган эди. Капитан Игнатев бошчилигида сержантлар Эргашев, Артемьев, Спиридов ва Багировлар топширилган душманинги назорат қилиш мақсади билан қўшинларимиз ўттиз километрга масофага аяқлардан ҳолда 3 сентябрдан 4 сентябрга ўтар кечаси Ураннинг Белополье шаҳрига етиб боришди. Шаҳарда душман солдатлари, техника ва қуролини кўп эди.

Эрта тонгда партизан Иван Бражников бир извод немис гавайларни еттидан қўлга олишди. Келатган ҳақида хабар берди. Разведкачилар душманинги пестирмада кутиб олдилар ва ўққа тутидилар. 29 гитлерчи ер тинилади қолганлари жуфтакни ростилади.

Бу ҳодисадан бир ярим-икки соатлар чамаси янвал партизанлар гуруҳи янвал ҳар ичкаридаги аниқликни кўришди. Партизанлар экан, Ички ҳодиса бир бўлиб, фашистарнинг қаттиқ ҳалқонга солиб қўйди. Улар кўчишга тушдилар. Бу операцияда иштирок этган Жабоор Эргашев, Поляша ва Чехословакиянинг фашист босқинчилардан озод этишда фаол қатнашди. Галабани Прага шаҳрида кутиб олди. Унинг жанглардаги алоҳида хизматлари «Ватан уруши» ордени ва бошқа бир неча медаллар билан тақдирланди.

СОВЕТ қўшинлари кўмондонлиги қўйган вазифа оғир эди. Гитлерчиларнинг Калач халқисидagi муваққат аэродромини ишдан чиқариш ва ширтоб билан шаҳарга ёриб кириш талаб қилинган.

21-Армия бирлашмалари ўша кунларда ягона «муштар» эслатди. Турли миллат вакиллари бир жон, бир тани бўлиб мардонлар жанг қиларди. Улар орасида Орф Абзалов, Қодир Абдуразаков, Обиджон Абдурахмонов, Тўған Одилов, Гуломназар Худойбергенов сингари ўзбекистонлик йигитлар ҳам бор эди.

1942 йилнинг 19 ноябрь тонги. Кўнда қора булутлар учиб юрибди. Этган кунги артиллерия ҳужуми рутубатдан ҳаво ҳамон ўзига келмаган. Нафас олиш қийин. Ҳамма ёқда жим-житлик. Сукунат қалбларга турли хил хотиротларни чўктиради.

«Мана, фронт йўлларидан юрганмишга ҳам бир йилдан ошди, — деб ўйларди суқмоқ четидagi аяка туپ оққини танасига суяиб ўтирган Орф Абзалов, — ва тангларварлик, тинчликсеварлик, оқибатли бўлиш... катта аёноблик, руслангучлик, немис-фашистларни мамлакатимизга уруш бошлаган кўнлик миллиончиларни кишилар оёқга турдилар... Ўзбекистонлик, республика Олий Совети депутатлари А. Муродхўнаев, Х. Мамажонов, В. Умаров, А. Мухторов, С. Азизов, С. Нурдиновлар ондан-бир ҳимосига олганиб, икхтари равишда ариза ёзишди. Қўйил... Ҳозир улар совет

қисмларининг турли бўлиқ-маларда, турли лавозимларда хизмат қилишмоқда, урушнинг барча машаққатларига бардош беришмоқда...»

Ҳа, ўша вақтдаги умумхалқ сафарбарлиги вазиятида тез орада қанчалар қанча ҳарбий қисмлар таркиб топди. Улар

олишувларини ўз кўзлари билан кўришди. Сталинград, Дон дарёси учун бўлган ҳаёт-маёт суронлариди иштирок этишди. Қўпгина йигитлар эса фидойиларча қурбон бўлишди.

«Орфнинг ўйларини орқадан келган оёқ шарпаси буз-

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

КАЛАЧ ХАЛҚАСИДАГИ ГУЛЛАР

дан бири 99-отлик дивизиянинг 281-полки Тошкентда ташкил этилди. Полк партия ташкилотли секретари қилиб О. Абзалов, комсомол ташкилотининг секретари этиб Каптанов, комсомол комитетининг секретари секретари Т. Одилов таъинланган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Қ. Абдуразақов эса полкдаги тарғибот-ташвиқот ишларига раҳбарлик қила бошлади.

Бу воқеалар кечганига бўлиб ўтганга ўхшарди. Эндикда эса ўша дўстлар не-не

ди. Капитан ўғирлиди. Қаршида кулимсираб Гуломназар Худойбергенов турарди.

— Кел, укам, ўтир, жанг олдидан кўришди ҳаёт сўриб олайлик, — деди О. Абзалов ҳазилмоз.

— Орф ака, — деди Гуломназар аллақандай босиқ оҳангда, — мана бу пушти гулларини қара, йўл четиди бизларга пешовоз чиққандай юз кўрсатишди. Ички донасини ўзиб олдим. Бугунги жангдан омон-эсон чиқсак, бирини сизга тақдим қиламан, Иккинчисини ён дефтаримиз катига солиб қўйдим. Уни урушдан сўнг узоқ Байт

ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Уруш йиллари оҳ, қийналарда жон Эсдан чиқмаган ҳеч газабнок кунлар.

Қонли киргин барот кездарди ҳар ён, Отир ва шиддатли ўтарди туилар. Алмо унингизни ёндари дилда. Одернинг бўйида борарди жанглар. Жаҳоннинг оловон тоғларда ерини: Гоҳида самолда камалак ранглар. Гарб сари отландик, кўтариб наъра. Музаффар маршлари лигларди тилда.

Сохибқирон дўстлар кўрсатиб мардик

Рейхстаг устига қадашди байроғ, Мовий фазоларга таралди шодлик, Шоян полк байроғи хилларар қўлда...

Уруш йиллари оҳ, қийналарда жон, Эсдан чиқмаган ҳеч газабнок кунлар.

Дўзахий оловлар кезса-да ҳар ён Янгиб ташланди у фашист қўшунлар. Мангу бахтиёрлик келтирдик элга.

Шарофжон ОРИФИЙ.

Ленинградлик шоир ва журналист, Улуғ Ватан уруши ветерани Виктор Александрович Круглов она-добримизда бир неча бор меҳмон бўлган. Ўзбекистон турпоининг беиёс саховати, меҳнатсевар ва меҳмондўст кишиларининг аёнобли фазилатлари ветеран-шоирни чексиз илҳомлантирди. В. Круглов ва Янгибўл шаҳрида истиқомат қиладиган қаҳрамон она Карима Раимонова мактуб ёзишди турарди. Ветеран-шоир мактубларидан бирини Ўзбекистон тасеуотлари асосида «Янгила турғум шеърларини йўллади. Қўнида ана шу шеърлардан бирини қўйишди.

Виктор КРУГЛОВ.

САРКАРДА

Генерал Собир РАХИМОВНИНГ ҳайкали қошида.

Гданьск остонасида уни кўрдим.

У ерда учратган эдим сўнгги бор. Улуғ саркардадан фахр этиб халқим, Бронзадан ҳайкал қўйди улугвор!

Елдадир оловли ва қонли майдон, Қирқ бешинчи йилни эсламоқ малол. Озодлик йўлида бердик қўп қурбон, Шухрат гаштларини қилмасдан ҳаёл... Эсдан ҳеч чиқмаган буронли дамлар, — Босмачи галаси бўлаки тор-мор.

Кавказда ўз полки билан оидмлаб, Собир она-юртин қўмсади ҳар бор... У турар майдонда, истиқбол сари Бизларни у тақдор курашига чорлар. Евуз ниятларга қалқон сингари Тинчлик байроғиди баш узра порлар. Тош, қондан яратган ҳайкал пойига Аста қўяркамиз алвон гулчамбар. Қўшқлар лиграсини Собир номига Аскар қасамиди кутлуг, жарангдор. Русчадан Рустам ГАНИЕВ таржимаси.

ИҚБОЛ

полкдош БУКАЛИК ДЎСТИМ МАЖИД УМАРОВГА БАҒИШЛАЙМАН.

Унутиб бўлмайди уруш даҳшатини, Эслаганда нафас олиб бўлмас тин. Бир минг тўққиз юз қирқ иккинчи йил. Қўп.

Майлабимиз эди урган эди иш. «Ой бориб, омон қайт!»

Оқ йўл тилаб қолди дўстлар — жондошлар.

Колтубановкада тобланиди қишда, Жонбозлик кўрсатди жанговар дилда. Душман чекиларди бардош беролмай: ватанлардан юролмай.

Эър келганда таслим бўлар, Ноябрь. Днепр сувини тилик,

Орпа атрофида истехком курдик, Мудофада ҳам душманин қирдик. Витебск томонга жигланмишда — Янги йил кездарди Ватанимизда... Бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йил. Қўп.

Ҳужум-ла олдинга бошланди юриш, Оловли йўлларда ниятга етдик, Ёвни яқсон айлал, гарб томон кетдик.

Қўп ўтмай Берлини ишғол қилдик биз, Улуғ галабага охири етдик биз.

Пискент. МАЖИД САМАДОВ.



МАҲАЛЛАДА ТАНТАНА

Галаба байрами арафасида пойтахтимиздаги Собир Раҳимов районидagi Ойбек маҳалласи ахли Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар номини ёдга олиш учун тўп-ландилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари, кишилар ва хизматчилар иштирокида бўлиб ўтган анъанавий кечани маҳалла комитетининг раиси Убайдулла Пулатов оиди.

Учрашувда СССР халқ артисти Зикри Муҳаммаджонов ва 144 медал директори Саодат Муҳаммаджонов уруш ветеранларини қизгин табриклидилар. Ўзганпарварлик



КАЛИНИН РАЙОНИ МЕХНАТКАШЛАРИ УЧУН ЯНГИ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ ОЧИЛДИ



ДАРЁ БҒИИ
СЎЛИМ-СЎЛИМ...

КОМУНИСТИК районидаги Болта қишлоғининг юқори қисмида Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Унинг соғинадаги тошлоқликдан иборат бир неча гектар ер анча вақтдан бери фойдаланилмай ўтди. Айнан шу ерда дарё ўзига янги бўлиб айланиб манзара ҳосил қилган. Бу қишлоқ Калинин райони меҳнаткашларини мафтун этди. Тез фурсатда 35 ташкилот, қорхона ва муассаса учун жой ажратилди. Улар ҳар йили бу ерда дам олиш зонаси яратишга киришдилар. Бу воқеа ўтган йил бўлган эди.

Дам олиш зонасини ташкил этишда махсус комиссия аъзоларининг хизмати катта бўлди, — дейди район партия комитетининг иккинчи секретари, меҳнаткашлар дам олишнинг ташкил этиш комиссияси раиси В. С. Колежко. — Комиссия мажлисларида зонада амалга оширилган ишлар тез-тез муҳокама қилиб борилади. Ишда сустанлик қилган ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилади. Қўлаб шанбаликлар, акциябанликлар ўтказилиди. Натияжада шу кунгача 15 та котежди, 25 та шифон, 30 дам олиш зонаси сукутига келди.

Хар бир коллектив учун охида ва чойхоналар бўлиб эъланди. Ёшларлар бундай майдончаларни ташкил этишди.

— Сиз кўриб турган ёшларнинг бораси иш ва хизматини қўли билан бунёд этишган, — дейди дам олиш зонаси директори Н. Деревляко. — Улар ишдан буш соатларида ҳар кун ақтия иштирок этишди. Айниқса, Тошкент гўшт қўшони, район газлаштириш идораси, район матлубот жамияти коллективлари зонани ободлаштиришда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Келгусида район меҳнаткашларининг янада яхшироқ хордиқ чиқаришлари учун яна бир қатор ишлар амалга оширилади. Ороғгоҳда бўёдорлик ишлари давом эттирилиб, қўлаб котеждар, ҳаммом ва қозонхона қурилади. Шундан қилиб кишиларнинг маъмур жойида йил бўйи дам олишлари таъминланади. Бу йилги мавсумда шундан эътибор киши оилавий дам олса, яқин йиллар ичида улар сови 50 мингдан ортиб кетади.

Кўни кеча Коммунистик районидagi Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғига жойлашган Калинин райони меҳнаткашларининг янги дам олиш зонаси тантанали суратда очилди. Очилми маросидада област партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудир Э. Ш. Шодмонов, област иқтисодиёти раисининг ўринбосари Г. Б. Иўдошова иштирок этишди.

Қ. КАРИМОВ.

Суратларда: дам олиш зонасининг очилиш пайти; ороғгоҳнинг дастлабки меҳмонлари; ички кишилик манзарали уйлар жуда шанамадир.

А. Абалли фотолари.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Тўлқин китобхоналарга асосан шoir сифатида танилган. Кейинги йилларида унинг ижодида яна бир фазилат-прозаниқ асарлар ёзишга моийлик сезилмоқда. Бунинг далили тарикқасида унинг «Биринчи муҳаббат бекати» китобини мисолга келтириш керак. Унга кирган касса ва ҳикояларни китобхоналар илқ кутиб олишди.

Бу Тўлқинга далда берди шекилли, прозада ўз кучини синая кўришга жазм қилди. Натияжада унинг янги «Севара» деб номланган прозаниқ асарлар китоби юзага келди.

Бу китоб тўғрисида нима дейиш мумкин? Аввало шунинг айтиш керакки, Тўлқиннинг каламини назорат ҳам тобора чарқалиб, маҳорати ортиб бормоқда. Бунинг мазкур китобга кирган касса ва ҳикояларни яққол кўрсатиб турибди. Аввало улар тематик жиҳатдан ранг-баранг эканлигини, муаллиф совет кишиларининг кундалик ҳаёти, улар ўртасидаги меҳр-оқибат, ёшлар ўртасидаги дустлик, садоқат, илк муҳаббат изтиробларини мавзу қилиб олганлигини, ҳаёт қандай олганлигини, ҳаёт қандай олганлигини таъкидлаш лозим.

Тўлқиннинг янги китобидан ўрин олган ҳикоялар орасида «Тоғ оласи» самимиёлиги билан ажралади туради. Авторнинг ҳикой қилишича, Маъмур исмли қиз болалигида қилган ораси — арча бўлиб ети-

шад ва касалхонада навбатчи бўлиб ишлаш бошланди. Шу тариқа одамлар билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлди. Унинг одамлар тўғрисидаги тасавури янада бойийди. Маъмурани бир хонадонда, самими кутиб олишса, иккинчи оилада зарда ва дўқ билан кутиб олишса. Бу ер арчада одамлар билан ишлаш ўта ноқил масала бўлиб, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш керак, деган тушунча ҳосил қилади.

«СЕВАРА»

Ҳаётда қандай гаройиб ҳодисалар бўлмайди, дейсиз. Бунинг қарангки, Маъмур хонадонда қориб, ёшларда севган йигити Акбаралига дуч келиб қолади. Ушанда унинг кўз олдига Акбарали қачонлардир тақдим этган тоғ оласи, ушандаги ҳаётичилик қарорларини қарор қилди. Қиз севганда эҳтиёткорлигини, чинакам севги кита кучга эга эканлигини чин юракдан ҳис қилади. Одамлар билан муомалада бўлиш, яқиндан муомала қилиш еш қизнинг характерини шакллантиради. Автор бу жараёни ишонарли қилиб очиб беради.

«Оқ кўйлак»да ҳалотлик, «Тоғ оласи»да одамлар орасидаги қариндошлиқ, «Лайлақлар»да қўшларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари тасвирланади, бу ёзувчининг ижод мавзуси кенгайиб бораётганидан, муттасил изланаётганидан далolat беради. Тўлқин қаҳрамонларининг образини яратишда, руҳий ҳолатларини очиб беришда янги ташбеҳлар топишга интилади. Бу ўринда «Тоғ оласи»дан «Этиланг теракни ёнгдаги терак кутиб турар, гўё елқас билан кутиб олгандай. Маъмурга тераклар чогу кампирини эслатади, деган жумлаларни келтириш ки-фоя. Бундай образли тасвирларни бошқа ҳикоялардан ҳам келтириш мумкин.

Тўлқин ҳикояларида ҳам, маъмур китоб номи билан аталган кассасига ҳам хос бўлган асосий қамчилик шунки, асар қаҳрамонларининг психологияси ва ички дунёси кўчур очиб берилмайди. Уларнинг ҳуқуқлари ва сиймосини баён қилиш билан чегараланади. Яна бир қамчилик-Тўлқин услубида баёнчиликка майинлик сезилиб туради, воқеалар бавосита табиат манзараларига боғланган ҳолда тасвирланади. Тўлқиннинг келгусида ана шу қамчиликларга эътибор бериш, уларни ижодкорлар тақрибиси ва маҳорати силриларни ўрганиб боришнинг истариди.

Т. СОЛИЕВ.



ШОФИРКОН районидagi «Правда» газетаси номли ўрта мактабда очилган кинолекторий «Давримиз ақл идроки, номуи ва шон-шарафи» деган мавзуда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳақидаги ҳикоя билан ўз ишнини бошлади. Кинолекторий ўқувчиларни совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўлкада содир бўлган ақойиб ўзгаришлар билан таништиради. Партия ва қосқомол ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари, олимлар, ўқувчилар билан сўхбатлашади. Ҳалаба кун арасида бу ерда еш шо-фирконликлар, қордошлари — Фашизмага қарши буюк жанг қатнашчилари билан ўр-рашадилар.



Р. Гофуров фотоси. (ЎзТАГ).

Самарқанд лифтсозлик заводи коллективи юбилей йилида пайлан ташқари 10 та лифт ишлаб чиқариш, давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган махсусот саноатининг 67 процентга етказиш, 30 тонна қора металл тежаб қоллиш мажбуриятини олиб меҳнат қилишмоқда. Қўндалик иш нормасини ошириб адо этаятган илгор мон-тажчи Ирина Шарипова со-циалистик мусобақада пеш-қадамлик қилмоқда. Суратда: И. Шарипова.

Р. Гофуров фотоси. (ЎзТАГ).

ЖИЗЗАХ областидagi «Фориш қоракўчликчи со-ҳозининг доғлар қўшони Х. Ешимов СССР ташкил этил-ганлигининг 60 йиллиги ша-рафига қабул қилинган маж-буриятни бажарди. У ўзига бириктирилган ҳар юз бош совиқдан 175 тадан қўзи ол-ди.

Боқува қолдирилган қўзлар яқин озиқлантирилмоқда. Олимлар билан биргаликда тузилган район оқсиллар ва витаминларга гоат бой бўл-ган ем-хашаклардан иборат дир. (ЎзТАГ мухбири).

ЕР ҚИМРЛАШ
МАРКАЗИ ОЛОН
ТОҒЛАРИ ТИЗМАЛАРИДА

Тошкент шаҳрининг, деяр-ли бутун республика терри-ториясидаги қўшони шаҳар-лар ва қишлоқларининг аҳоли-си 6 май соат 22 дан 42 ми-нут ўтганда ер қимирлаган-лигини сездилар.

«Тошкент» сейсик стан-циясининг маълумотларига қўра, ер қимирлаш маркази Қирғизистон билан Ўзбеки-стон чегарасида Олой тоғ-лари тизмаларида, Фарғона-дан таққинида 50 километр жануби-ғарбдадир. Ер қимирлаш марказида унинг қу-чи қарийб саққиз балл бўл-ди. Фарғонада олти балл, Андижонда беш-олти балл, Тошкентда беш балл куч би-лан ер қимирлади.

Ер қимирлаш марказида яқин районларда эски тип-даги баъзи уйлар шикаст-ланди. (ЎзТАГ).

РЕДАКТОР
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА
ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими
Давлат комитети

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕХНАТ
ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
31-ШАҲАР УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йилига

15, 16, 17 ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, ШУ-
НИНГДЕК СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА
БЎШАТИЛГАНЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспорти учун қуйдаги их-тисосилар бўйича қабул қилинади:

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛОВЧИ (йўл аппаратура), тоқар, ўқиш мудлати — 6 ой. Ҳар ойда 72 сўм стипендия бе-рилади. Магулотлар гуруҳлари тўғрисида сўнг бош-ланади.

ПАССАЖИР БАҒОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИК-
ХАРАКАТДАГИ СОСТАВЛАР, РЕМОНТИ БЎИЧА
СЛЕСАРЬ. Ўқиш мудлати — бир йил (10-синф ҳажми-
да маълумоти бўлганлар учун ҳар ойда 30 сўм стипен-
дия берилди).

ЭЛЕКТРОВАЗ МАШИНИСТИНИНГ ЁРДАМЧИСИ,
ТЕПЛОВАЗ МАШИНИСТИНИНГ ЁРДАМЧИСИ. Ўқиш
мудлати — 1,5 йил (10-синф ҳажмида маълумоти бўл-
ганлар учун). Ҳар ойда 30 сўм стипендия берилди.

ТЕПЛОВАЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш мудлати — 2 йил
(Совет Армияси сафидан запасга бўшатирилган қабул
қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилди).

Электровоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз ма-
шинистининг ёрдамчиси, электр жиҳозларини, электровоз-
ларини, тепловозларини ремонт қилувчи слесарь-электрик,
харақатдаги составчи, электровозларини, тепловозларини
ремонт қилувчи слесарь, тоқар, программали бошқари-
ладиган станокларининг оператори, электр-газ пайвандчи.
Ўқиш мудлати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти
бўлганлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни битирган ўқувчиларга ўрта маълу-
мот ва ағаллаган ихтисосилти тўғрисида диплом бе-ри-
лади.

Билим юртига аъло баҳолар билан битирганларга
имтиёзли шартларда олий ўқув юртига кириш ҳуқуқи
берилди.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилди.

Қабул қилинганлар ҳар кўни 3 марта бепул овқат ва
формалди кийим блан таъминланади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти хо-
димидаги берилган баъча имтиёзлардан, шу жумладан
Совет Иттифоқининг исталган пунктига бир марта бе-
пул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилди.

Ўқишга кириш учун қуйдаги ҳужжатлар ке-
рак: паспорт ёки тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
(асл нусхаси), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турав жо-
ндан ва ота-оналарининг иш жойидан справка, харак-
теристика, ариза, тарғиман ҳоли, 8 та фотосурат
(3х4 см.), медицина справкиси (286-форма) ёки эмлан-
ганлиги ҳақида справка.

Магулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Адресини: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним
мавзиси, 13, 23, 61-автостанциянинг «Заманга кўчаси»
бекати, 8, 143, 80-акспресс автобусларини «Қозонхона»
бекати). Справклар учун телефон 96-34-90.

ТЕАТР

8 МАЙ, ШАНБА

МТ-1. 9.00 — Время. 9.35 —
Халқ ақшларни. 9.50 — Бола-
ларга ҳазовлар ҳақида. 10.20 —
Ота-оналар. Силлар учун.
10.50 — Концерт. 11.20 — Му-
зей ва кўргазма заллари буй-
лаб. 11.50 — Спортлото. 11.55 —
Ғолиблар. 12.25 — Дунё о-
қоалари. 13.40 — Мўзиза-
сиз — мўзизалар. 14.40 —
Концерт. 16.10 — Ҳужжатли
фильм. 17.15 — Болалар учун
фильм. 18.45 — Сиевси ширк-
ловчи В. П. Бекетов сўхбати.
19.15 — Ветеранлар силлар
учун. 20.15 — Халаскорлик.
Кинопоэзия. 5-фильм. 21.30 —
Время. 22.05 — Концерт. 23.05 —
«Правда» газетасининг сов-
рини учун Бутуниттифоқ крос-
си. 23.30 — Василий Теркин
позмасидан парчалар. 00.25 —
Янгилликлар.

МТ-2. 9.00 — Гимнастика 9.15
Агар соғлом бўлай десангиз.
9.25 — Қиз ва денгиз. Бадий
фильм. 10.30 — Ҳужжатли
фильм. 11.05 — Тонгги почта.
11.35 — Хамиза бархатлар.
Фильм-спектакль. 14.00 —
Ҳужжатли фильм. 15.00 —
Киносаҳначилар клуби. 16.00 —
Телеоспорт. 16.15 — Ерғула-
да гармон овози. Музикали
программа. 16.45 — Ҳужжат-
ли фильм. 17.00 — Кинобому

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДА-
ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕ-
АТРИДА — 8-й да Ҳар тўни-
да бир айб, 9-й да Алмадар
(12.00). Рўйхатларда йўқ
(19.30).

ТОҶИКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИСНИНГ
ПРОГРАММАСИ.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

АЛЬПИНИСТЛАРИМИЗ ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИДА

ЭВЕРЕСТ ЗАБТ ЭТИЛДИ

КАТМАНДУ. [ТАСС мух-
бири Ю. Родионов]. Эверест
чўққиси забт этилди! Ленин-
градлик 32 яшар ижтисор В.
Балибердин ва москвалик 44
яшар ўқитувчи Э. Мислов-
ский Непал вақти билан соат
14 дан 35 минут ўтганда еки
Москва вақти билан 12.50 да
совет экспедициячиларни ора-
сида биринчи бўлиб, жаҳон-
даги энг баланд чўққисга ку-
тарилдилар ҳамда жануби-
ғарбий деворининг контр-
форда — илгари ўтиб бўл-
майдиди деб ҳисобланган
маршрутда янги йўл очди-
лар. Улар биринчи бўлиб
бутун совет экспедицияси-
нинг баландлиги 8848 метр
бўлган Эверест чўққисига чи-
қишга деярли икки ойдан
бери қилиб келаятган ҳар-
акатини муваффақият билан
туғалладилар.

Бутун база лагерига ҳам-
ма ҳаяжонланиб, кутаятган
сукутини бирдангиза «Ура!»
содалари босиб юборди.
Команда аъзолари, экспеди-
цияда ишлаётган юк ташувчи
шерплар қувончдан бир-бир-
ларини қучоқлаб олдилар.

Балибердин ва Мисловский
8500 метр баландлигида бе-
штинчи лагерини соат 6.10 да
тарк этишди. Улар 8 соат-
дан ортиқ вақт қўбйинида
чўққини забт этишлари ва бу
чўққида атиги 30 минут бу-
либ, қор ёғаётганлигига қа-

МУСОБАҚАЛАР,
УЧРАШУВЛАР

◆ ВЕЛОСПОРТ

Ўзбекистон, Украина, Бель-
руссия, Республиканимиз кўна-
лари бўйлаб ўтказилаётган
ёшларнинг Бутуниттифоқ
спорт уйларида программаси-
даги кўпқунлик велоспо-
рининг уч босқичидан сўнг
шундай. Тошкент—Ангр-
ейлар бўйлаб 141 кило-
метрлик масофага ўтказил-
ган сўнгги босқичда респу-
бликанимиз терма команди-
си азоси Н. Дудин иккинчи
ўрнини эгаллади.

Республиканимиз вақили,
СССР спорт мастери С. Ша-
тилов иккинчи ўрнини олди.

◆ ЧИМ ХОККЕЙ

Кеча Коммунистик райони-
даги «Политотдел» 335885,
335747, 337916, 32 5748; масъул секретари — 334808, 323333;
ишлари, фелетонлар — 334048; 323334, партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш
ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325643; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлиги — 325733; фан, маданият ва олий
укуе юртилари — 325553; фотомухбир — 325894.